



### 2.3. Moodle тизими фойдаланувчиси билан хабар алмашиш


Moodle тизими ўзининг рўйхатдан ўтган фойдаланувчилари орасида ички хабарлар алмашиш имкониятига эга бўлиб, хоҳлаган фойдаланувчилар (ўқитувчи ёки талаба) орасида ўзаро хабар алмашишни таъминлаб беради. Бу имкониятдан фойдаланиш учун фойдаланувчи дастлаб ўз логин пароли билан тизимга кириши зарур. Агар сизга янги хабар келган бўлса, тизимга киришингиз билан браузернинг ўнг пастки бурчагида бу ҳақда маълумот берилади.




#### Расм 1. Янги хабар келганлиги ҳақида огохлантириш

Бундан ташқари бизга келиб турган барча хабарларни кўриш ёки тизимдаги бошқа бир фойдаланувчилар билан хабар алашиш учун браузер ойнасининг ўнг юқори бурчагидаги фойдаланувчи исм

фамилияси танланади  ва ҳосил бўлган менюдан **Сообщения** бўлими танланади.



Ҳосил бўлган ойнада қуйидаги расмда кўрсатилган амалларни ўринлаймиз:



Яъни, дастлаб хабар алмашмоқчи бўлган фойдаланувчимиз исми ёки фамилиясини киритамиз (фамилия ёки исмининг бир бўлагини киритса ҳам бўлади) ва **Поиск пользователей и сообщений** тугмасини босамиз. Ҳосил бўлган рўйхатдан зарур фойдаланувчини танлаймиз ҳамда хабар матнини **Сообщения** бўлимига киритамиз ва **Отправить сообщение** тугмасини босамиз.



Botirbek Samandarov



Расул Машарипов

Добавить  
собеседника | Блокировать  
сообщения от этого человека

[Все сообщения](#) | [Последние сообщения](#)

(Сообщений не найдено)

Сообщение

Отправить сообщение

Расм 2. Хабар жўнатиш ойнаси